

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҲАЗИЛ НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ МАСАЛАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15126615>

Диёра Авезмуратова

Урганч давлат университети

Хорижий филология факультетлараро

чет тиллари ўқитувчиси E-mail:diyoraaa@gmail.com

### Аннотация

Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек социумидаги ҳазил нутқий жанри муваффакиятли амалга оширилишининг ижтимоий лингвистик асослари ҳақида фикр юритилади. Бунда ҳазил нутқий жанри сўзловчиси тўғрисидаги миллий ижтимоий қарашларнинг ўзига хослиги, айниқса, ўзбек лингвомаданиятида оиласвий муносабатларда эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар муносабатларидағи ижтимоий хулқий меъёрлар мавжудлиги ўзига хос социолингвистик факторлардир.

### Калит сўзлар

инглиз этикети, майший хулқ, салбий ахлоқ, ижобий ахлоқ, ҳазилни тушуниш, адресант, адресат кабилар.

## ВОПРОСЫ СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ ЮМОРИСТИЧЕСКОГО РЕЧЕВОГО ЖАНРА НА АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

### Аннотация

В статье рассматриваются социолингвистические основы успешной реализации юмористического речевого жанра в английском и узбекском обществе. В этой связи особенности национальных социальных взглядов на носителя юмористического речевого жанра, особенно наличие в узбекской лингвокультуре общественных моральных норм в семейных отношениях, между мужем и женой, родителями и детьми, являются специфическими социолингвистическими факторами.

### Ключевые слова

английский этикет, домашние манеры, негативные манеры, позитивные манеры, понимание юмора, адресат, получатель и т. д.

## ISSUES OF SOCIOLINGUISTIC FEATURES OF HUMOROUS SPEECH GENRE IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

### **Annotation**

The article examines the sociolinguistic foundations of successful implementation of the humorous speech genre in English and Uzbek society. In this regard, the peculiarities of national social views on the bearer of the humorous speech genre, especially the presence in the Uzbek linguoculture of public moral norms in family relations, between husband and wife, parents and children, are specific sociolinguistic factors.

### **Keywords**

English etiquette, everyday manners, negative manners, positive manners, understanding of humor, addressee, recipient, and etc.

Ҳазил нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари унинг матний хусусиятларини ўрганиш тадқиқ қилинса, социолингвистик хусусиятлари ҳазил нутқий жанрининг ким кимга йўналтирилганлиги, адресант ва адресатларнинг қайси жамият вакиллари эканлиги каби ижтимоий факторларни белгилаш билан аниқланади. Ҳозирги кунга ҳазил нутқий жанрининг рус, инглиз, немис тилларидағи намуналари лингвистик ва экстравалингвистик тадқиқотлар объектига айланганлиги алоҳида аҳамиятлицидир<sup>23</sup>. Шуни айтиш керакки, ҳазил нутқий жанрининг инглиз ва ўзбек социумидаги ижтимоий мазмунлари маҳсус тадқиқотлар объекти бўлган эмас.

Ҳазил нутқий жанри социолингвистик объект сифатида эътироф этилишига сабаб шундаки, ҳазил нутқий жанрида сўзловчи ва тингловчи муаяйян жамият вакилларицир. Одатда бир тилда сўзлашувчи адресант ва адресатлар айни тилда ифодаланган ҳазилни осон тушунсаларда, аммо адресатлар бошқа миллат вакиллари бўлганда ҳазилни тушуниш муваффақиятсиз кечиши мумкин. Шу сабабли адресант ва адресатнинг бир жамоа вакиллари эканлиги ҳазилни адресат томонидан муваффақиятли қабул қилинишининг гаровидир. Акс ҳолда бу ҳазиллар адресатга нисбатан ҳақорат деб баҳоланиши, адресатни бадном қилиш деб тушунилиши мумкин. Шу нуқтаи-назардан ҳазил нутқий жанрини социолингвистик таҳлил қилиш глобаллашув шароитида турли миллатлар ўртасидаги тотувликни

<sup>23</sup> Жильцова О.Ю. Шутка как малый речевой жанр. ГБОУ ВПО Саратовский ГМУ им. В.И. Разумовского Минздрава России, кафедра русской и классической филологии; Пропп В.Я. Проблемы комизма и смеха. М., 1976; Д.С.Лихачев, А.М.Панченко. "Смеховой мир" Древней Руси. Л., 1976; А.В. Карасик. Лингвокультурные характеристики английского юмора. дисс. кандидат филологических наук. Волгоград, 2001, 193 с; Пропп В.Я. Проблемы комизма и смеха. М., 1976; Ю. В. Шурина Шутка как речевой жанр. Дисс. Канд. Наук по фил. 1997.

таъминлашга, ўзаро толерантликни шакллантиришга муайян даражада ҳисса қўшади.

Инглиз лингвомаданиятида эса ҳазил қилиш одати кишиларнинг кунлик одатий майший хулқига айланган. Бунда кундалик ҳазилларнинг функцияси илиқ муносабатларга асосланган мулоқотни ташкил қилиши, сухбатни қувноқлик билан ўтказиш кабилардан иборат. Айрим илмий инглиз этикетини ўрганишга бағишлиланган социолингвистик тадқиқотларда инглиз ҳалқининг ҳазилларини жавобсиз тинглаш, зарур бўлмаса, жавоб қайтармаслик, ҳазилларга нисбатан кулиш билан чекланиш лозимлиги тавсия қилинади<sup>24</sup>.

Шуни айтиш керакки, ўзбек лингвомаданиятида ҳазилнинг меъёри мавжуд. Бунга кўра бир адресант нутқида давомий ва мунтазам ҳазилларнинг қўлланилиши адресант тўғрисида бироз салбий хulosалар келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ўзбек лингвомаданиятида ҳазил оқибатида кишида бебурдлик, бачканалик, беодоблик, бузуқлик, бекорчилик, дилозорлик, димоғдорлик, лақмалик, лўттибозлик, нодонлик, олифтагарчилик, танбаллик, чақимчилик, қўрқоқлик, гайриаҳлоқийлик, ёмон хулқ, ёлғончилик<sup>25</sup> қаби салбий аҳлоқий хulosалар чиқарилиши мумкин. Зоро, ўзбек лингвомаданиятида аҳлоқий поклик, аҳлоқий камолот, андиша, зарали одатлардан сақланиши, инсонийлик, инсоннинг маънавий бойлиги ва ички маданияти, камтарлик, оиласий ҳаёт одоби, манера-ўзини тута билиш, таълим ва тарбия бериш, уятиш, хурмат қилиш, фаросатли бўлиш, фаҳм-фаросат, ўзини ўзи бошқарииш, ўзини ўзи тарбиялаш, одобилик, одоб, ростгўйлик кабилар ижобий аҳлоқий хислатлардандир<sup>26</sup>. Ҳазил нутқий жанри мазмунида юқоридаги ижобий аҳлоқий меъёрлар бузилса ёхуд салбий аҳлоқий меъёрлар кузатилса, адресантнинг ижтимоий хулқининг салбийлашуви юз беради.

Инглиз лингвомаданиятида мавжуд эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг, айниқса, жинсий муносабатларнинг ҳазил орқали ифодаланиши бу оддий ҳол саналади. Аммо ўзбек лингвомаданиятида ҳазил нутқий жанрининг бундай турлари, жинсий муносабатларга хосланган ҳазил турлари, давлат бошликларини ҳазил обьектига айлантириш кабилар адресатга нисбатан ҳурматсизлик, бехаёлик, хақорат, бадном қилиш қаби мазмунларда қабул қилинади. Шу сабабли ҳам бу мавзуларда ҳазил турлари оммалашмаган. Аммо ўзбек лингвомаданиятида соҳавий хосланган ва оммабоп, умуммиллий ҳазил турлари мавжуд. Маълумки, ҳар бир ҳазилнинг

<sup>24</sup> В чем особенность британского юмора? - Библиотека Нейро; 10 книг-образцов английского юмора! - Русская культурология — ЖЖ

<sup>25</sup> С.Норқўзиев. Ахлоқнинг асосий меъёрлари. Т., Шарқ, 2019, 9-бет

<sup>26</sup> С.Норқўзиев. Ахлоқнинг асосий меъёрлари. Т., Шарқ, 2019, 9-бет

муваффакиятли чиқиши уларни қабул қилувчи шахсларнинг ушбу ҳазил нутқий вазиятидаги ҳолатдан хабардор эканлиги билан боғлиқ. Ўзбек лингвомаданиятида эр ва хотин ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи ҳазилларни эр ва хотин мақомидаги ижтимоий шахсларгина англашлари мумкин. Масалан,

Янги йилни нишонлаб тонгга яқин бир аҳволда уйга кириб келган эрни хотини кутиб олибди.

– Юзимга қарашига энди қандай чидайсиз? – дебди хотини.

Эр бўлса унга:

– Ҳечқиси йўқ онаси, шунча йил чидаб келяпман, бу ёги ҳам қарайвераман, - дермиши<sup>27</sup>.

Ўзбек лингвомаданиятида маънавий жихатдан ахлоқий поклик тушунчasi ўзбек жамиятининг барча қатламларига тегишилидир. Ахлоқий поклик инсон характерининг шахсий ва ижтимоий фаолиятига, ҳатти-ҳаракатига хос фазилатдир<sup>28</sup>. Ўзбек жамиятида оиласидаги эркак ахлоқи билан боғлиқ қарашларда эрнинг оила аъзоларини огоҳлантирмай, ўз уйида тунамаслиги, айниқса, унинг тонгга яқин уйига келиши, кўп ҳолларда бошқа аёллар билан кўнгилхушлик қилганликнинг белгиси сифатида рамзийлашади. Ўзбек социумида ўзга аёллар билан кўнгилхушлик қилиш уятли ижтимоий одат сифатида қабул қилинади. Шу сабабли ҳам умр йўлдошининг кўнгилхушлик қилиши оқибати аёли юзига караш вазияти ўз хотинидан кечирим сўрашдан ҳам оғирроқ ижтимоий ҳолатдир. Аммо шуни айтиш мумкинки, ушбу ҳазил турида келтирилган жавобни айтиш кўнгилхушлик қилмаган эркакларга хос ўзбекона жавоб бериш усули сифатида ўзига хослик касб этади. Чунки бу ҳазил орқали эркак ўз аёлига, онаси дея мурожаат қиларкан, унинг юзини чиройли эмаслигига ишора қилган ҳолда ўз аёлига ҳам енгил ҳазил жавобини бериш орқали ўз аёлининг гумонига барҳам бермоқда. Онаси дея мурожаат қилиниши ўзбек эркакларининг ўзига хос мурожаати бўлиб, ушбу мурожаат эр ва хотин ўртасида ўз болалари мавжудлигини билдиради.

Ишга кайфиятсиз келган йигитдан дўсти сўрабди:

- Нега кайфиятинг йўқ?
- Хотиним билан уришиб қолдим.
- Нега уришибинг?
- Янги кўйлак сотиб олган экан. "Мени семиз кўрсатмаяптими?" деб сўради.
- Сен нима дединг?
- Тўғрисини айтдим.

<sup>27</sup>Латифа.уз. Энг сара латифалар сайти. <https://латифа.уз>

<sup>28</sup>С.Норқўзиев. Ахлоқнинг асосий меъёрлари. Т., Шарқ, 2019, 9-бет

Оилада эр ва хотин муносабатларида аёлларнинг семизлиги хунуклик белгиси саналади. Шу жиҳатдан ўзбек эркакларининг аёлларга нисбатан семиз дейиши аёлларни хафа қилиш, камситиш демакдир. Ушбу ҳолатни инобатга олган ушбу ҳазил турида аёлларга семиз эканлигини айтган эр аёли билан уришиши турган гап. Ўз аёлига семиз эканлигини тўғридан тўғри айтган эркак киши ўз аёлининг жанжал чиқаришга мойиллиги, уришишга ҳаракат қилиши оқибатида кайфиятсиз ишга кайфиятсиз келган. Буни ўзбек ҳазилининг адресатлари осонгина тушуниб оладилар.

Ўзбек жамиятида фарзандлар тарбиясида енгил жазо турларига фарзандларнинг қулоғини бураб қўйиш, енгил уриб қўйиш, оҳиста уриб қўйиш кабилар киради. Шу билан бирга, бола ёшидагиларнинг болалик одатлари, катталарни, хусусан, оила аъзоларини алдашга мойиллиги, ҳазиллашишилари бола одобидаги шўхликлар сифатида баҳоланади. Қуйидаги ҳазил нутқий жанрида ўзбек фарзандининг зийраклиги ўз фойдасига хизмат қилиши мумкинлигига ишорадир. Бу эса ўғилнинг оилада эркалигини белгилайди:

*Икки синфдош сұхбатлашмоқда<sup>29</sup>:*

– Нега сени отанг тушиликка бунчалик кўп пул беради?

– Аслида адам бунча пул бермас едилар. Улар мендан мактаб оишхонамизни телефон рақамини сўрагандилар, мен атайлаб кўчанинг нариги тарафидаги ресторонинг рақамини бердим. Адам ресторанга қўнгироқ қилиб, тушилик неча пул туришини сўрабдилар. Ўша кундан бери менга шунаقا кўп пул берадиган бўлганлар.

Юкоридаги ҳазил матнида ўзбек мактаб ўқувчисининг зийраклиги, айёрлиги орқали топилган пул ҳазил объектига айланган. Мактаб ўқувчи гарчи отасини алдаган бўлса-да, бу ҳазил орқали мактаб ўқувчисининг ўз отасини енгил алдаш орқали уддабуронлик қилганлиги кулгу уйғотишга сабаб бўлмоқда. Аслида ҳақиқий вазиятда бундай хулқ автор хунук тарбия сифатида баҳоланади.

Қуйида келтирилган мисолда ўзбек оиласидаги ота ва фарзанд ўртасидаги тарбиявий жазо тўлақонли ўз аксини топган. Ушбу ҳазил турида ўзбек оиласида бола тарбиясида енгил жазоланиш тури бўлган қулоғини бураб қўйиш ҳатти-ҳаракати бу фарзандларни ниманидур нотўғри бажарганлигини, ўзини оилавий ва жамият ижтимоий меъёрларидан четга чиққанлиги тўғрисида ижтимоий хабарлар мавжуд. Шу жиҳатдан уканинг отасининг бошқа буйругини бажариш вақтида гапнинг умумий мазмунидан фойдалангани, яъни опасига бошқа маълумотни айтганлиги ҳазилни келтириб чиқаради. Масалан,

<sup>29</sup> Латифа.уз. Энг сара латифалар сайти. <https://латифа.уз>

Ота ўғлига дебди:

– Ўғлим, қўшини хонадан пайпогимни олиб чиқгин.

Ўғли "Хўп" деб қўшини хонага кирса, опаси ўтирган екан.

Болани шўхлиги тутиб опасига дебди:

– Адам айтдилар-ки, қулогингизни "бураб" қўяр эканман...

Опаси:

– Нима деяпсан? Тентакмисан?! Бўлиши мумкинмас!

Бола отаси томонга қараб бақарибди:

– Ада, ўнгиними ё чап тарафиними?

Ҳеч нарсадан бехабар отаси:

– Иккаласини ҳам! – дермиш.

Кўринадики, отанинг жавоби фарзанднинг алдовига мос келган. Ушбу жавоб ҳар икки ҳолатга ҳам жавоб тариқасида ишлатилиши мумкин.

Вақт алламаҳал бўлганда дарвозадан кириб келган ўғлига онаси дебди:

– Қайерларда юрибсан? Соат нечи бўлди?! Бор, юравер кўчада!

Бу гапни эшишган ўғли шу заҳоти чўнтағидан телефонини, кимгадир қўнгироқ қилиб:

– Алло, Алиш шўттамисила? Рухсат олдим. Ҳозир чиқаман, - дермиш.

Ушбу мисолда эса онанинг бор, юравер кўчада норозилик мазмунида айтилган бўлса-да, рухсат маъносида тушунилиши мумкинлиги ушбу жавоб мазмунида икки нутқий акт мазмuni яширинлигини англатади. Ўзбек оиласида онанинг фарзандни тергаши, енгил жазоланиши бу табиий ҳолатдир. Шу сабабли ҳам ушбу ҳолатларни мазмунан акс эттирган ҳазиллар ўзбек ҳазиллари ичida муайян ўринни эгаллайди.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий миллий-маънавий ахлоқ меъёрлари барча жамиятларда конвенционал тарзда пайдо бўлади, шу сабабли ҳам конвенционал ахлоқ меъёрлари ушбу жамияттагина тегишли, ушбу жамияттагина шартлангандир. Тил тизими бевосита жамиятнинг ижтимоий миллий маънавий хулқини кўрсатиб берувчи нутқий жанрларга бой. Ҳазил нутқий жанри ҳам конвенционал нутқий жанр сифатида инглиз ва ўзбек жомиятининг ўзига хос жамоавий тартиб-қоидаларини ифодалайди. Шу жиҳатдан инглиз ва ўзбек жамиятидаги ҳазил нутқий жанрининг социолингвистик обьект сифатида танлаш, ҳазил нутқий жанри турлари ва социолингвистик таснифини яратиш инглиз ва ўзбек тилларида ҳазил нутқий жанри ижтимоий мавзуларнинг очиқлиги, ёпиқлиги, қолаверса, умуммиллий мавзуларнинг ўзига хослигини ўрганиш, оммабоп ва хосланган ҳазил турларининг матний хусусиятларини таҳлил қилиш, ҳазил нутқий жани адресантлари ва адресатларининг ижтимоий идентификаторларини аниқлаш, инглиз ва ўзбек тилларида ижтимоий синф, касб, ёш, жинс,

жамоани кўрсатувчи лексик, грамматик ва синтактик воситалар ва сленгларни аниклаш, таснифланган гурухлардаги социалингвистик факторларни шарҳлаш каби бир қатор масалалар социолингвист олим олдига бир қатор жиддий вазифалар қўяди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Алимов. У. Оилада фарзанд тарбияси", "Мовароуннахр" нашриёти, 1999, 184-бет.
2. [В чем особенность британского юмора? - Библиотека Нейро.](#)
3. [10 книг-образцов английского юмора! - Русская культурология — ЖЖ](#)
4. Жильцова О.Ю. Шутка как малый речевой жанр. ГБОУ ВПО Саратовский ГМУ им. В.И. Разумовского Минздрава России, кафедра русской и классической филологии.
5. Карасик А.В. Лингвокультурные характеристики английского юмора. дисс. кандидат филологических наук. Волгоград, 2001, 193 с
6. Лихачев Д.С., Панченко А. М. "Смеховой мир" Древней Руси. Л., 1976.
7. Пропп В.Я. Проблемы комизма и смеха. М., 1976.
8. С.Норқўзиев. Ахлоқнинг асосий меъёрлари. Т., Шарқ, 2019, 9-бет
9. <https://латифа.уз>